

Санок комиссиясининг 2018 йил 20 апрелдаги 3-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 17 дона бюллетен тарқатилди ва 17 дона бюллетен йиғиб олинди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қуйидагича овоз олинди:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 39 603 022 дона акциялар (99,74%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – 104 161 дона акциялар (0,26%).

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 39 636 933 дона акциялар (99,82%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – 70 250 дона акциялар (0,18%).

3. Жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича Бош директор вазифасини бажарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 39 673 272 дона акциялар (99,91%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – 33 911 дона акциялар (0,09%).

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 39 673 272 дона акциялар (99,91%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – 33 911 дона акциялар (0,09%).

5. Жамиятнинг 2017 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси ҳулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 39 404 138 дона акциялар (99,24%), қаршилар- 33 911 дона акциялар (0,09%), бетарафлар – 269 134 дона акциялар (0,67%).

6. Жамиятнинг 2017 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 39 404 138 дона акциялар (99,24%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – 303 045 дона акциялар (0,76%).

7. Жамиятнинг 2017 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 39 603 022 дона акциялар (99,74%), қаршилар- йўқ, бетарафлар– 104 161 дона акциялар (0,26%).

8. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 39 603 022 дона акциялар (99,74%), қаршилар- 33 911 дона акциялар (0,09%), бетарафлар – 70 250 дона акциялар (0,17%).

9. Ўз вазифаларини бажарганлиги учун Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва котибига, Бошқарув раиси ва аъзоларига йиллик мукофот пули ва тафтиш комиссиясига бир маротабалик ҳақ тўлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 39 404 138 дона акциялар (99,24%), қаршилар- 33 911 дона акциялар (0,09%), бетарафлар – 269 134 дона акциялар (0,67%).

10. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни Жамият ихтиёрида қолдириш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 38 943 638 дона акциялар (98,08%), қаршилар - йўқ, бетарафлар – 763 545 дона акциялар (1,92%).

11. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Овоз бериш натижалари:

Отажонов Нодир Собирович	– 45 665 420 дона акциялар;
Махмудов Шерзод Кадиорович	– 45 501 940 дона акциялар;

Каримов Мухтор Акбарович	– 45 153 893 дона акциялар;
Рашидов Абдухалил Абдурахимович	– 45 153 893 дона акциялар;
Ахмедгариев Родион Евгеньевич	– 45 017 699 дона акциялар;
Кузиев Ихтёр Бахтиёрович	– 44 414 650 дона акциялар;
Хужакулов Абдунаби Ҳақимович	– 4 656 957 дона акциялар;
Рафиков Абдуваккос Воҳидович	– 2 385 829 дона акциялар;

12. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Тафтиш комиссияси аъзолари учун овоз бериш натижалари:

Алимов Кабул Ботирович – Ёқлаганлар – 39 508 299 дона акциялар (99,50%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

Мамажонов Илёсжон Абдурасулович – Ёқлаганлар – 38 625 551 дона акциялар (97,28%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

Пирматов Анвар Абдуллаевич – Ёқлаганлар – 38 507 440 дона акциялар (96,98%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бозоров Шерзод Эшманович – Ёқлаганлар – 2 480 259 дона акциялар, (6,25%) қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

13. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 39 474 388 дона акциялар (99,41%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – 232 795 дона акциялар (0,59%).

14. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилиланган шахслари билан ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 38 659 462 дона акциялар (97,36%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – 1 047 721 дона акциялар (2,64%).

15. Жамиятнинг Бош директорини сайлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 202 484 дона акциялар (93,69%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – 2 504 699 дона акциялар (6,31%).

Санок комиссияси раиси эълон қилган маълумот Умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди (Санок комиссиясининг баённомалари иловада берилмоқда).

«O'zagrolizing» aksiyadorlik jamiyati

акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Санок комиссияси миқдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса М. Турсунов, Х.Узаков ва М. Мирсаидовалардан иборат этиб тасдиқлансин.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши Регламенти тасдиқлансин ва унга мувофиқ:

Жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича Бош директор вазифасини вақтинча бажарувчининг ҳисоботи учун – 15 минут;

Кул тартибининг 4, 5, 6, 7 ва 11-бандларида қайд этилган Кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг, Жамиятнинг 2017 йил учун йиллик ҳисоботларини эшитиш ва тасдиқлаш масалалари ҳамда ва Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 минутдан;

кул тартибидаги бошқа масалалар бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 5 минутдан;

музокарага чиқувчилар учун – ҳар бирига 5 минутдан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга – 10 минут;

Умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга –10 минут регламент белгилансин.

3. Жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича Бош директор вазифасини вақтинча бажарувчининг ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2017 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси ҳулосаси тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг 2017 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2017 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг 2017 йил фаолият якуни бўйича олинган 11 312 947,1 минг сўмлик соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

6 337 868,1 минг сўм қисмини оддий овоз берувчи акциялар бўйича дивиденд тўловига;

565 647,4 минг сўмлик қисмини захира фондига;

12 675,0 минг сўмлик қисмини имтиёзли акциялар бўйича дивиденд тўловига;

2 815 076,1 минг сўмлик қисмини кейинчалик ўрнатилган тартибда устав фондиди ошириш шарти билан Жамият моддий-техника базасини янгилашга мақсадли;

219 794,7 минг сўмлик қисмини Жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида Низом”ида белгиланганига мувофиқ ўз вазифасини бажарганлиги учун Кузатув кенгаши аъзолари ва котибига йиллик мукофот пули тўлаш учун;

219 794,7 минг сўмлик қисмини Жамиятнинг “Бошқарув тўғрисида Низом”ида белгиланганига мувофиқ ўз вазифасини бажарганлиги учун Жамият Бош директори ва бошқарув аъзоларига йиллик мукофот пули тўлаш учун;

10 796,4 минг сўмлик қисмини Жамиятнинг “Тафтиш комиссияси тўғрисида Низом”ида белгиланганига мувофиқ ўз вазифасини бажарганлиги учун Тафтиш комиссияси аъзоларига бир маротабалик ҳақ тўлаш учун;

1 131 294,7 минг сўмлик қисмини Жамият (ижроия аппарат, ҳудудий филиаллари ва “Ўзмашлизинг” МЧЖ) меҳнат жамоасига йиллик мукофот пулини тўлаш учун йўналтирилсин.

Дивидендлар миқдори, уни тўлаш шакли, муддати ва тартиби қуйидагича белгилансин:

2017 йил якунлари бўйича Жамият соф фойдасидан бериладиган дивидендлар миқдори эгасининг номи ёзилган ҳар бир оддий акцияга 152,10 сўм (акция номинал қийматининг 6,0 фоизи) ва эгаси ёзилган ҳар бир имтиёзли акцияга 633,75 сўм (акция номинал қийматининг 25,0 фоизи) даражасида белгилансин;

дивидендларни тўлаш амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда, яъни Умумий йиғилиш якунлари эълон қилинганидан сўнг 30 кундан кейин, лекин мазкур қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кунлик муддатдан ошмаган ҳолда, акциядорлар – юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш йўли билан, мол-мулк кўринишида тўлаш йўли билан, акциядорлар-жисмоний шахсларга эса уларнинг пластик карточкасига ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилсин.

Дивидендлар тўлаш бошланадиган сана 2018 йилнинг 21 майи, дивидендлар тўлашни тугаши санаси 2018 йилнинг 19 июнь санаси.

9. Ўз вазифаларини бажарганлиги учун:

Кузатув кенгаши аъзолари ва котибига ортиқча олинган соф фойда (2 197 947 100,0 сўм)нинг 10 фоизини ташкил этувчи 219 794 710 сўм йиллик мукофот пули, жумладан:

Кузатув кенгаши раисига - ортиқча олинган соф фойданинг 2,0 фоизи;

Кузатув кенгаши аъзолари ҳар бирига - ортиқча олинган соф фойданинг 1,25 фоизидан;

котибига - ортиқча олинган соф фойданинг 0,5 фоизи миқдорида тақсимлаган ҳолда тўлансин.

Тафтиш комиссияси аъзоларига бир маротабалик ҳақ сифатида жами 10 796 400 сўм, шундан Алимов Кабул Ботировичга 5 398 200 сўм, Алмазова Елена Александровнага 5 398 200 сўм миқдорида ҳақ тўлансин.

Комиссия ишида умуман иштирок этмаганлиги учун комиссия аъзоси Бозоров Шерзод Эшмановичга ҳақ тўланмасин.

Бош директор ва Бошқарув аъзоларига ортиқча олинган соф фойда (2 197 947 100,0 сўм)нинг 10 фоизини ташкил этувчи 219 794 710 сўмлик мукофот пули:

Бош директорга - ортиқча олинган соф фойданинг 2,6 фоизи;

Бош директор ўринбосари – маркетинг ва лизинг лойиҳалари мониторинги бўйича директорга - ортиқча олинган соф фойданинг 2,0 фоизи;

Бошқарувнинг қолган аъзолари ҳар бирига - ортиқча олинган соф фойданинг 1,8 фоизидан миқдорларда тақсимлаган ҳолда тўлансин.

Бунда, қуйидаги Бош директор ва Бошқарув аъзолари ҳар бирининг ҳисобот йилида ҳақиқий ишлаган даври инобатга олинсин:

Бош директор вазифасини вақтинча бажарувчи Б. Рузметовга – 2017 йил 01 январдан 2017 йил 05 февралгача;

Бош директор ўринбосари – маркетинг ва лизинг лойиҳалари мониторинги бўйича директор вазифасини вақтинча бажарувчи Б. Рузметовга – 2017 йил 06 февралдан 2017 йил 11 мартгача;

Бош директор Х. У. Имамовга – 2017 йил 06 февралдан 2017 йил 31 декабргача;

Бош директор ўринбосари – маркетинг ва лизинг лойиҳалари мониторинги бўйича директор Д. А. Холдаралиевга – 2017 йил 13 мартдан 2017 йил 31 декабргача;

Бошқарув аъзоси Х. Саидахмедовга – 2017 йил 01 январдан – 2017 йил 14 апрелгача;

Бошқарув аъзоси Б. Каримовга – 2017 йил 17 апрелдан – 2017 йил 31 декабр-гача;

Бошқарув аъзолари Н. Атабаев ва П. Ходжиевга – 2017 йил 01 январдан 2017 йил 31 декабргача.

10. Акциядорлар томонидан даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олинмаган 2014 йил якуни бўйича ҳисобланган 32 189 036,96 сўмлик дивиденд суммаси Жамият ихтиёрида қолдирилсин ва ундан белгиланган тартибда солиқ тўланганидан кейинги қолган қисми Жамият фойдасига олинсин.

11. Жамиятнинг Кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар сайлансин:

Отажонов Нодир Собирович;

Каримов Мухтор Акбарович;

Ахмедгариев Радион Евгеньевич;

Рашидов Абдухалил Абдурахимович;
Махмудов Шерзод Кадинович;
Кўзиев Ихтиёр Бахтиёрович;
Хужакулов Абдунаби Ҳақимович.

12. Жамият Тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидаги номзодлар сайлансин:

Алимов Кабул Ботирович;
Мамажонов Илёсжон Абдурасулович;
Пирматов Анвар Абдуллаевич.

13. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.

15. “O‘zagrolizing” жамияти томонидан мазкур жамиятнинг аффилиланган шахслари билан ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимлари тасдиқлансин:

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари;
Жамият Бошқарув аъзолари;

Жамиятнинг “Ўзмашлизинг” МЧЖ, “Лизинг ахборот технологиялари” МЧЖ, “Лизинг техника сервис” МЧЖ ва “Агромаш саноат инвест” МЧЖ каби тобе хўжалик жамиятлари;

“Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти;


“Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти қайси юридик шахслар устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахслар билан.

16. Жамият Бош директорини сайлаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мазкур лавозимга аниқ бир номзод тасдиқланганидан сўнг Акциядорларнинг навбатдаги Умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

Умумий
йиғилиш Раиси

 Ш. Махмудов

Котиб

 П. Ходжиев

Баён тузилган сана: 20 апрель 2018 й.